
ҲУНАРИ БОРНИНГ ДАРОМАДИ БОР

9-мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича семинар ташкиланди.

Кўргазмали семинарда ўқувчилар томонидан тайёрланган турли уй-рўзғор буюмлари тадбир меҳмонларига манзур бўлди.

-- Мактабимизда она тили ҳамда чет тилларини ўқитиш яхши йўлга қўйилган, -- дейди мактаб директори Раҳматжон Сайбурхонов. -- Ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича ҳунармандчилик намуналаридан сават тўқиш, уста-дурадгорлик ҳамда қизлар учун тикувчилик йўналишлари ташкилланди. Ҳунари бор кишининг доим даромади бўлади.

Мактабларда касбга йўналтириш бўйича ташкилланаётган бундай касб-ҳунарлар ўқувчилар келгуси ҳаётларида ўз ўрниларини топишларида муҳим омил саналади.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-02-28 18:08:44